

Узун тумани ҳокимлиги фаоллар залида 2023- йил Ташаббусли бюджет жараёнларидаги янгиликлар юзасидан семинар ташкил этилди.

26 январ куни Узун тумани ҳокимлиги мажлислар залида “Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш чоратадбирлари”, “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2023-йилга мўлжалланган асосий йўналишлари тўғрисида” ҳамда “Сурхондарё вилоятида Ташаббусли бюджет жараёнлари бўйича 2022 йил 1-2-мавсум натижалари тўғрисида” семинар бўлиб ўтди.

Семинарда Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши котибияти мудир С.Абдураимов, Вилоят ҳокими ўринбосари, Оила ва хотин-қизлар бошқармаси бошлиғи, Халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати З.А.Хидирова, вилоят бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси бошлиғи Х.Нормаматов, вилоят Солиқ бошқармаси бўлим бошлиғи С.Рахмонқулов, вилояти Молия бош бошқармаси бўлим бошлиғи У.Чориев ва Халқ депутатлари Узун тумани Кенгаши котибияти, депутатлар, маҳалла раислари, ҳоким ёрдамчилари, маҳалла фаол аёллари ҳамда ёшлар етакчилари иштирок этишди.

Семинарда юқоридаги масалалар бўйича батафсил маълумотлар берилди